# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

№ 77 (8.967) * 1997 йил 7 июль, душанба * Сотувда эркин нархда


Саноат

## МАҚСАД АНИҚ БЎЛГАЧ

***«Учқун» ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашлари ҳозирги шароитда бозор талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга интилиш билан бирга, давлат буюртмаларини ҳам ўз муддатида тез ва соз бажариб бормоқдалар. Корхонанинг бичиш-тикиш цехида бўлганимизда бунинг яна бир бор гувоҳи бўлдик.***

— Бизнинг цехимиз тикувчилари — деб гап бошлади шу цех етакчиси Азиз Абзалов, — ҳар бир буюртмани маромига етказиб бажаришга одатланган. Кўришни истасангиз, марҳамат.

Цехда ҳамма ўз иши билан банд. Ўзини Зоя Варламова деб таништирган аёлнинг ишини кузатамиз. У бичиш-тикиш цехининг бош устаси экан. Зоя опани суҳбатга тортдик. Ишини ниҳоясига етказгач, у бизга юзланди.

— Бу ер менинг қадрдон даргоҳим, кўп йиллардан буён ишлайман, — деди у фахр билан. — Ўзингиз шоҳиди бўлиб турибсиз, тикувчи қизларимизнинг чаққон ҳаракатларини, улар ҳамиша шундай ишлашади. Бугунги кунда давлат буюртмаси асосида маҳсулот тайёрлаб беряпмиз. Цехимизда 48 ишчи меҳнат қилса, шулардан 24 таси менинг бўлимимда. Уларнинг барчаси ўз машиналари «тили»ни яхши билишади. Шунинг учун ҳам кундалик режаларини ошириб бажаришмоқда.

— Қизларимиз тиккан тайёр маҳсулотларни назорат бўлимига топширишади, — деди шу цехнинг иккинчи бўлими устаси Дилфуза Орипова. — Бизнинг истагимиз хом ашё кўп бўлса-ю чаққон тикувчиларимиз ўз маҳоратларини намоён этишса.

Цех назоратчиси Озода Зоирова 13 йилдан буён шу ерда меҳнат қилар экан. У тайёр маҳсулотни бирма-бир синчиклаб кўздан кечиради.

— Ҳаммасини эринмай биттадан текширасизми ёки баъзан таниш-билишчилик ҳам қиласизми? — деган ҳазиломуз саволимизга у:

— Нега эринар эканман, ахир бу менинг вазифам-ку. Мен сифатсиз маҳсулотни ўтказиб юборсам, эртага буюртмачи қайтариб олиб келади. Бу эса менинг ва корхонанинг шаънига ишончсизлик олиб келади-ку, — деб астойдил жон куйдириб жавоб қайтарди.

Цех илғорлари билан танишиб, улар билан суҳбатлашдик. Доно Ҳуддиева, Хосият Жамилова, Малика Исматова, Ильвира Хабибуллина сингари тикувчилар энг сифатли маҳсулотларнинг эгаларидир. Ана шуларнинг баракали меҳнати туфайли ҳам бу цех корхонада фаолият кўрсатаётган 8 та цехнинг илғорларидан бири саналади.

— Корхонамиз 1994 йилда ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Унда 500 га яқин киши меҳнат қилади, — дейди жамият бошқаруви раисининг ўринбосари Аваз Муҳиддинов. — Илгариги обрўйимизни тиклаш йўлида тинмай изланяпмиз. Мақсадимиз — яқин кунлар ичида тузилган ва тузилаётган шартномалар асосида хом ашё танқислигига барҳам бериб, ишчиларимиз учун яна 2 сменали иш шароити туғдириш, дастгоҳларнинг бўш туриб қолмаслигига эришиш. Чунки корхонамиз тўлиқ қувват билан ишласагина кўзлаган мақсадимизга эришиб, халқимиз учун керакли маҳсулотларни ишлаб чиқара оламиз.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*







*«Тошкимёқишлоқмаш» акционерлик жамияти жамоаси қишлоқ хўжалиги учун кимёвий дориларни пуркайдиган пуркагичларни ва 120 хилга яқин турли халқ истеъмоли буюларини ишлаб чиқармоқда.*

*СУРАТЛАРДА: корхонанинг айни кунлардаги меҳнат фаолияти акс этган; (юқорида) назоратчи Ҳасан Орипов пуркагични кўздан кечирмоқда; (ўртада) пуркагич йиғувчилардан З. Золкина, Н. Рустамова ва Л. Ли тасвирланган; (пастда) йиғувчи-слесарь Павел Шурило конструктор Николай Оведзе билан.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*




Анжуманлар

## ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон жисмоний тарбия институтида Мирзо Улуғбек тумани маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, олий ва ўрта махсус билим юртлари раҳбарлари, ўрта мактаб ўқитувчилари, ҳуқуқ-тарғиботни сақлаш ҳамда жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, мутахассислар, олимлар иштирокида оқсоқоллар йиғини бўлиб ўтди.***

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий-тадқиқот институтининг кафедра мудири, профессор М. Файзиев, Тошкент Давлат юридик институти кафедраси мудири, доцент М. Усмоналиев, Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, туман ҳокимлиги вояга етмаган ёшлар билан ишлаш ҳайъати раисининг ўринбосари Ш. Умаров ўз сўзларида ёшлар тарбияси билан жиддий шуғулланиш, оилани давлат ва жамиятнинг мустаҳкам таянчига айлантириш муҳим аҳамиятга молик масала эканлигини, бу ишда «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний» жамғармалари, мактаб, жамоатчилик ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишлари кераклигини таъкидладилар.

*Дилдора РИХСИЕВА.*
*Мирзо Улуғбек тумани вояга етмаган ёшлар билан ишлаш ҳайъатининг масъул котиби.*

Диққат, янгилик!

## ДУНЁДА ЯГОНА

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли У. О. Орифов номидаги электроника институти қаттиқ жисмлар сиртига зарядланган зарраларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган жаҳонда ягона марказлардан бири ҳисобланади.***

Институт директори, академик Ўткир Расулев бошчилигида «Паст температурали плазма» лабораториясининг раҳбари, физика-математика фанлари доктори Сергей Пожаров билан биргаликда жаҳонда ягона технология — электр ўтказувчи материаллар юзини вакуумли — ёйли усул билан ишлов беришга эришдилар. Бу технология асосида металл прокатлари ва бошқа металл буюмлар юзасидаги турли қурумлар, бошқа зангларни экологик жиҳатдан тоза бўлган вакуумли-ёйли технология асосида тозалаш жараёни ётади. Ҳамма давлатларда бу ишлар кимёвий технология асосида (иссиқлик ва бошқа усуллар) бажарилади.

Бу технология вакуумли-ёйли разряднинг бир-бирига таъсирига асосланган. Бунинг натижасида ишлов берилаётган материаллар юзасида қуйидаги ўзгаришлар юз беради: ифлосликлар, қурумлар, занглар учиб кетади, микронотекислик силлиқланади, барча ғудурлар йўқ қилинади. Ишлов берилаётган материаллар, буюмлар юзасининг микроқаттиқлиги ошади ва юзанинг чириши, занглаши бир неча марта камаяди, айримлари эса чиримайдиган ҳолатга келади. Бу усул — технология билан барча юзаларга бемалол қийналмай ишлов бериш имконияти бор. Энг муҳими, кам электр энергияси сарф бўлади ва бошқа усулларга қараганда бир неча марта арзон ва ишлов берилган юзанинг ишлаш муддати бир неча марта ошади. Бу технология машинасозлик, станоксозлик, авиация, электроника, айниқса, кемасозлик, металлургия соҳасида кенг қўлланиши мумкин.

Бу ноёб технологиянинг биринчи лицензиясини Японияниң жаҳондаги энг машҳур йирик металл қуювчи концерни «Ниппон стил» сотиб олди ва фақат Японияниң ўзидагина ишлатишга рухсат берилди. Уларнинг буюртмаси бўйича вакуум ёйининг катод доғига таъсир этадиган переметрларни ўрганиш юзасидан шартнома тузилди. Шу кунлари институтда амалий тадқиқотлар асосида янги илмий-аналитик асбоблар ва технологиялар яратиш устида кенг миқёсда ишлар олиб борилмоқда.

*Илҳом ШЕРМУҲАМЕДОВ.*

Алоқалар

## ИЛМИЙ ДАСТУР — АМАЛДА

***Ўзбекистон Республикаси олимларининг халқаро алоқалари кенгайиб бормоқда. Буни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг хорижий мамлакатлар илмий муассасалари билан яқин ҳамкорлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.***

Чет эл давлатлари Фанлар академияси билан турли илмий йўналишлар бўйича илмий дастурлар тайёрлашга ҳам киришди. Бунинг учун катта миқдорда маблағ ажратилди.

Ўзаро келишувга биноан яна учта йирик дастурга амал қилинадиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг қатор тадқиқот марказлари ана шу дастурларни амалга оширишга жалб этилди.

«Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Германиядаги Марбург университети билан алоқани йўлга қўйди. Бу ҳамкорлик халқаро илмий дастурнинг муҳим бир қисми сифатида қарор топди.

Вашингтон Давлат университети эса халқаро дастурни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг электроника институти билан рўёбга чиқаришга киришди. Ядро физикаси институти ҳам йирик дастур доирасида фаолият кўрсатиб, қатор илмий муаммоларга қўл урди. Бунинг учун бу тадқиқот маркази Америка Қўшма Штатларидаги Ридж миллий лабораторияси билан биргаликда илмий ишлар режаларини белгилаб олди.

*Сабоҳат ОБИДОВА.*

Футбол

## ПЕШҚАДАМНИ ЮТА ОЛИШМАДИ

Ёзнинг иссиқ кунларидаги 20 кунлик танаффусдан сўнг «совуган» стадионлар яна мухлисларнинг қайноқ, эҳтиросли тафти билан тўлди. Ўтган ҳафтада мамлакат чемпионати олий лигасининг 14-тур учрашувлари ўтказилди. Жума куни бўлиб ўтган «Пахтакор» — МҲСК ўйинида кўп мухлислар алоҳида «сенсация», яъни «Пахтакор» мавқеида, умуман чемпионат ўйинлари жадвалида бурилиш ясалишини кутган эдилар. МҲСК — биринчилик пешқадами. Жадвалнинг деярли қоқ ўртасидан жой олган «Пахтакор» учун айниқса ушбу ўйинда ғалаба жуда зарур эди. Бир кун илгари ўринбосарлар ўртасида ўтказилган учрашувда ёш пахтакорчилар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонгандилар...

Учрашувнинг 31-дақиқасида А.Абдураимов узатган тўпни А.Акопянц дарвозага йўллай олмади. Умуман, пахтакорчилар, ана шундай яна бир неча қулай вазиятдан фойдалана олмадилар.

Ниҳоят 1-тайм тугашига саноқли дақиқа қолганда меҳмонлар жарима майдони яқинида ўйин қоидаси бузилгач, жарима тўпи белгиланди. Уни Николай Ширшов маҳорат билан ижро этиб ҳисобни очди. Шундан сўнг кўпчиликда кутилаётган бурилишга ишонч кучайгандек эди. Лекин...

2-тайм армиячиларнинг фаол ҳужумлари билан бошланди. Натижада дастлабки дақиқалардаёқ А.Маъруфалиев тўпни боши билан дарвозага йўллади. Ўйиннинг ўрталарида Ойбек Усмонхўжаев киритган навбатдаги тўп армиячиларга ғалаба келтирди — 1:2.

Ушбу ўйин ҳақида кўпчилик мухлисларнинг фикри қуйидагича бўлди:

— МҲСК — жисмоний кучли жамоа. Ҳарбийларнинг пешқадамлиги тасодифий эмас. Бутун ўйин давомида уларнинг уюшган ҳужумлари, фаоллиги сусаймади.

— Бош ҳакам Рашид Айтековнинг баъзи нохолис хатти-ҳаракатлари мухлисларни ранжитди. Лекин барибир майдонда унинг ҳукми вожиб... Аммо бундай нохолис ҳукмларга ён чизиқ ҳакамлари ҳам бефарқ қараганликлари қизиқ...

14-турнинг қолган ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Чилонзор» — «Бухоро» — 1:2, «Насаф» — «Хоразм» — 1:3, «Дўстлик» — «Косонсой» — 3:1, «Зарафшон» — «Атласчи» — 4:0, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 2:3, «Янгиер» — «Нефтчи» — 1:3, «Навбаҳор» — «Трактор» — 4:2, «Афросиёб» — «Сурхон» — 0:0.

*Беҳзод ЭГАМОВ.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Бош вазир Ўткир Султонов раислигида Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштириш кенгашининг навбатдаги мажлисида шу йилнинг иккинчи чорагида тадбиркорлар орасида ахборот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш якунлари ҳамда бу йўналишда олдинда турган вазифалар муҳокама қилинди.

● Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков бошчилигида бўлиб ўтган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ташкилий қўмитасининг йиғилишида ушбу тадбирга тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

● Байналмилал маданият маркази ва «Халқ бирлиги» ҳаракати ҳамда Фанлар академиясида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган илмий-амалий конференциялар бўлиб ўтди.

● Гидрометеорология бош бошқармасида мамлакатимизда иқлим ўзгаришини тадқиқот қилишга бағишланган анъанавий семинар ўтказилди.

● Андижон вилояти товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси «Палата» деб номланган ўз ҳафтаномасини чоп эта бошлади.

### ЖАҲОНДА

● Варшавада Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича ташкилот Парламент ассамблеясининг ҳар йилги олтинчи сессияси иш бошлади. Унда Олий Мажлис раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси парламент делегацияси ҳам иштирок этмоқда.

● 8 ва 9 июль кунлари Испания пойтахти Мадридда НАТОга аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтади. Унинг кун тартибидаги асосий масала — ушбу Шимолий Атлантика блокига янги аъзолар қабул қилиш тўғрисида ҳозиргача узил-кесил бир қарорга келингани йўқ. АҚШ НАТОга биринчи навбатда Венгрия, Польша, Чехияни янги аъзолар қилиб қабул қилишни таклиф этаётган бўлса, Европа мамлакатлари улар сафига Руминия ва Словакияни ҳам қўшишни билдиряптилар. НАТОга бу янги аъзолар 1999 йилда қабул қилиниши мўлжалланган.

● Бугун Москвада Тожикистонда миллий ярашув бўйича комиссиянинг биринчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда расмий Душанбе билан Бирлашган тожик мухолифатчилари вакиллари афв тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқадилар. Ушбу комиссиянинг келгуси мажлислари Душанбеда бўлиб ўтади.

● Львов яқинида НАТО ҳамда Европа ва Ҳамдўстлик қатор мамлакатлари ҳарбий бўлинмаларининг «Тинчлик йўлида шериклик» дастури доирасидаги биргаликдаги машқлари бошланди.

● Туркманистон Россия ва Озарбайжон томонидан Каспий денгизида янги нефть конини ўзлаштиришни бошлаш тўғрисида имзоланган битимни бекор қилишни талаб қилиб чиқди. Ашхобод фикрича, ушбу нефть кони Туркманистонга тегишлидир.

● Комбоджа пойтахти Пномпенда кеча кун бўйи мамлакатдаги икки ҳокимиятчилик оқибати — икки Бош вазир Нвадом Ранорит ва Хун Сен тарафдорлари ўртасида шиддатли қуролли тўқнашувлар давом этди. Ҳозир Францияда бўлган Ранорит Хун Сенни ҳарбий тўнтаришга уринишда айблаётган бўлса, Хун Сен эса Ранористга мамлакатга ноқонуний равишда қурол-яроғ олиб кириш айбини қўймоқда.

● АҚШнинг Марсга қўнган «Питфайндер» автомат станцияси «қизил сайёра» дастлабки суратларини Ерга узатди. Станциядаги ўзиюрар аравача эса Марс сатҳини тадқиқ қилишга киришди. Унинг бу сайёрада камида 30 кун давомида ана шундай тадқиқотлар олиб бориши мўлжалланган.

● Бугун Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар иқтисодиёт ва молия вазирларининг навбатдаги учрашувида ушбу қитъа ҳамжамиятида ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилади.

● Жанубий Африка Республикасининг президенти Нельсон Мандела эртага Буюк Британияга расмий ташриф билан келади.

● Шимолий Ирландияда яна вазият кескинлашиб кетди. Бу ердаги турли диний мазҳабларга тегишли фуқаролар томонидан бошланган тартибсизликлар полиция билан тўқнашувларга олиб келди.

● Кеча Мексикада парламент сайловлари бўлиб ўтди.

● Нью-Йоркда АҚШ, Шимолий ва Жанубий Корея вакиллари ўртасидаги маслаҳат учрашувида Корея ярим оролида тинчлик ўрнатиш бўйича музокараларни 5 августда бошлашга келишиб олинди. Унда Хитой ҳам иштирок этади.

● Кеча Албанияда парламент сайловларининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Биринчи турдаёқ ғалабани қўлга киритган мухолифатчи социалистлар партияси вакиллари парламентда ўз мавқеларини янада мустаҳкамладилар. Партия етакчиси мамлакат Бош вазири лавозимини эгаллашини маълум қилди.

● Тайванда рўй берган сув тошқини оқибатида камида 8 киши ҳалок бўлди. Табиий офат мамлакат иқтисодиётига 60 миллион доллар миқдорида зарар келтирди.

*Ҳамкорлик*

# ТАСИС ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

***Мустақил Ўзбекистон билан турли хорижий давлатлар ва ташкилотлар ўртасида ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Жамоатчи мухбиримиз Европа Иттифоқи статистика бошқармасининг Марказий Осиё ва Мўғулистондаги доимий маслаҳатчиси жаноб Клаус Ридель билан учрашиб, унга Ўзбекистон билан олиб борилаётган ҳамкорлик алоқалари хусусида бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Жаноб Ридель, мана сиз, бир йилдирки, Ўзбекистонда ТАСИС дастури доирасида расмий статистика соҳасида ишлаб келмоқдасиз. Марҳамат қилиб айтингчи, ушбу дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?**

— ТАСИС дастури Европа Иттифоқи ташаббуси билан тузилган бўлиб, янги мустақил давлатлар ва Мўғулистонни бозор иқтисодиётига ўтиш даврида қўллаб-қувватлаш ҳамда демократик тузилмаларни ривожлантиришга кўмаклашишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, — дейди жаноб Ридель ўз сўзида. — Ана шу дастур доирасида 1991—95 йиллар давомида МДҲ давлатлари ва Мўғулистонга 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиб, 2 мингдан зиёд лойиҳалар ҳаётга тадбиқ этилди. Мазкур дастурнинг асосий вазифалари — давлатга тегишли корхоналарни қайта қуриб, хусусий секторни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг самарали тизимини яратиш, транспорт, энергетика, телекоммуникация, шунингдек, атроф- муҳитни муҳофаза қилиш,таълим ва бошқа соҳалардаги инфратузилмаларни ривожлантиришдан иборатдир. Ана шу мақсадлар учун Ўзбекистонга 1991—95 йиллар мобайнида 50 миллион АҚШ доллари ажратилди.

**— Ўзбекистон билан бўлаётган ҳамкорлик ва ана шу алоқаларнинг илк натижалари ҳақида батафсил сўзлаб берсангиз.**

— Аввало шуни айтиш керакки, ўзбек ҳамкасабаларимиз билан бўлаётган ҳамкорлик асосан корхоналарни рўйхатга олишнинг янги тизими, амалий статистика ва ташқа савдо статистикаси соҳалари бўйича олиб борилмоқда. Булардан ташқари. Европа Иттифоқи ўзи ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар техникавий базасини мустаҳкамлаш мақсадида компьютерлар ва бошқа техника воситаларини етказиб берди. Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик асосан голланд ва ўзбек ҳамкасблар биргаликда ишлаб чиққан лойиҳалар асосида намоён бўлмоқда. Бу лойиҳалар шерикларнинг олиб бораётган фаолиятлари асосий мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Бу фаолият асосан. Ўзбекистонда статистика тизимини яратишда европалик ҳамкасбларнинг тажрибаларини ўрганиш ва амалиётда фойдаланишдан иборатдир. Бунинг учун семинарлар, консултациялар ўтказилмоқда, ўзбек ҳамкасабалар Европада малака ошириб келмоқдалар.

Ана шу ҳамкорликнинг натижалари ҳақида гапирадиган бўлсак, мен тўла қониқиш билан айта оламанки, кейинги 2—3 йилда биз сезиларли ютуқларни қўлга киритдик. Голландиялик мутахассислар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, биз қисқа вақт яъни 2—3 йил ичида республикада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб бера оладиган статистика тизимини яратишда илк натижаларга эга бўлдик. Масалан, биргина корхоналар рўйхати тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, айниқса бозор шароитида бу жуда муҳим масала. Чунки ҳозир ўзингиз биласиз, жуда кўплаб хусусий корхоналар пайдо бўлган. Улар, албатта статистика тизимида рўйхатга олиниши зарур. Ҳамкорлик натижалари тўғрисида яна бошқа кўплаб мисоллар келтиришим мумкин.

**— Ана шу ҳамкорлик келгусида қандай ривожланади? Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.**

— Жорий йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, биз миллий лойиҳаларни амалиётга тадбиқ этиш борасида иш олиб борамиз. Миллий лойиҳалар деганда, муайян мамлакатнинг муаммолари билан боғлиқ бўлган лойиҳалар тушунилади.

Яқинда биз Ўзбекистон макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги раҳбарлари билан келгуси ҳамкорлигимиз лойиҳалари хусусида фикрлашиб олдик. Мен улардан айримларини айтиб ўтмоқчиман. Биринчидан, биз расмий статистиканинг бутун тизимини яхшилаш ва ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга оширамиз. Иккинчи лойиҳа — инвестиция статистикаси соҳасида бўлиб, Ўзбекистонда 1998—99 йилларда амалга оширилади. Бозор муносабатларига ўтиш даврида инвестиция, айниқса хорижий инвестиция ҳал қилувчи роль ўйнайди. Мен айтмоқчи бўлган яна бир лойиҳа шундан иборатки, у туризм статистикасига бағишланади. Туризм маълумки, Ўзбекистонда доимо ривожланиб келган ва бундан кейин ҳам ривожланади. Шунинг учун маҳаллий шароитлардан келиб чиқиб, ана шу соҳанинг статистик тизимини яратиш лозим. Хуллас, Ўзбекистон билан олиб бораётган ҳамкорлик алоқаларимиз бундан кейин ҳам тобора ривожланиб бораверади.

*Суҳбатдош Мирзаали АКБАРОВ.*



*Юнусобод туманидаги Ботаника боғи ҳудудида шу кунларда ҳайвонот боғи қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Бу ерда жуда кўплаб қурилиш ташкилотларидан келган вакиллар меҳнат қилишяпти. Улар орасида шаҳримиздаги 65-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам бор.*

*СУРАТДА: ушбу бошқарманинг бош геодезисти Исҳоқ Харисовни кўриб турибсиз.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Транспорт*

# ОЛҚИШГА САЗОВОР

***— Сиз ҳам, сен ҳам бир оғиздан чиқади, биродар. Мен шу автобусга чиқсам манзилимга қандай қилиб етиб олганимни билмай қоламан, — деди йўловчилардан бири ёнимда ўтирган ҳамроҳимга.***

***Шу вақт автобус салонида ҳайдовчининг микрофон орқали йўловчиларга қилган мурожаати эшитилди:***

— Ҳурматли йўловчилар, азиз меҳмонлар! 85-йўналиш бўйлаб қатнайдиган машинамиз Навоий театридан Қорақамиш даҳаси томон йўл олди, масофанинг узунлиги 12 километр. Кейинги бекат «Мустақиллик» майдони.

— Тўғри айтасиз, мен ҳам кўпинча шу машинага чиқиб қоламан, — деди унинг ҳамроҳи. — Бошқа автобус ҳайдовчилари орасида бекатларни олдиндан маълум қилиши, йўловчиларни бир-бирларига ҳурмат-эътиборли бўлишлари лозимлиги ҳақида ҳеч эшитмайман. Лекин шу машинага чиқдим дегунча ҳайдовчининг ёқимли сўзлари ҳар доим дилимни равшан қилади.

— «Юлдуз» ҳиссадорлик жамияти бекати. Кейинги бекат «Қозоғистон». Ҳурматли йўловчилар, ёш болали, ўзингиздан катта ёшдаги онахон ва отахонларга жой беришни унутманг, — деган сўзлар эшитилди, яна микрофондан.

Биз ана шу 85-йўналишдаги автобуснинг ҳайдовчиси билан яқиндан танишиш мақсадида автобуснинг сўнгги бекатигача бориб ҳайдовчи билан суҳбатлашдик.

Абдуқаҳҳор Мавлонов 30 йилдан бери 3-автохўжаликда биринчи тоифадаги ҳайдовчи бўлиб ишлаб келмоқда.

— Абдуқаҳҳор ака, йўловчиларга бундай намунали хизмат кўрсатишингизнинг сири нимада? — деб сўраймиз ундан.

— Биласизми, одамларга сидқидилдан хизмат қилган инсон асло кам бўлмайди. Қайси соҳада ишлашидан қатъи назар касбга меҳр қўйиб, уни улуғлаб ишлаш унга ҳамиша ҳурмат келтиради.

— Абдуқаҳҳор ака, шу 85-йўналишдаги ҳайдовчилар ҳар доим йўналиш жадвалига аниқ риоя қилган ҳолда йўловчиларга хизмат кўрсатишади. Мен бунинг жуда кўп гувоҳи бўлдим. Шунга нима дейсиз?

— Эътибор берган бўлсангиз шаҳар транспортида кўпинча бир йўналишдаги, айниқса, троллейбус, трамвайлар, баъзи автобуслар бир-бирини қувиб юрганига дуч келасиз. Ҳайдовчиларнинг ўзбошимчалиги туфайли йўловчиларнинг бекатларда анча вақт транспорт кутиб қолишларига олиб келади. Бизда эса ундай эмас. Ҳар бир ҳайдовчи белгиланган жадвалга амал қилган ҳолда йўловчиларга хизмат кўрсатади. Бу ҳам ана шу йўналишдаги ҳайдовчиларнинг бир-бирини ҳурмат қилишидан далолатдир. Ҳамжиҳатлик бор жойда, ҳурмат-эътибор бўлади.

Ҳақ гап. Ҳурмат қилсанг — иззат топасан. Йўловчиларга ҳормай-толмай намунали хизмат кўрсатиб, ҳамшаҳарларимиз олқишларига сазовор бўлаётган ана шундай инсонлар ҳамиша бор бўлишсин.

*Раҳмат ПОЛВОН.*



*СУРАТДА: ўттиз йилдан бери ҳамшаҳарларимизга намунали хизмат кўрсатиб келаётган ҳайдовчи Абдуқаҳҳор Мавлонов.*

*Нўъмон Муҳаммаджонов олган сурат.*

*Покизалик*

# ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

***«Миробод» туманида номи бири-биридан чиройли маҳаллалар кўп. Масалан, «Мингўрик», «Навбаҳор», «Файзобод», «Матонат». Ўтган йилги Мустақиллик байрами арафасида бу маҳаллаларда янги замонавий гузарлар қурилиб фойдаланишга топширилди.***

Айниқса бу жойдаги тартиб-интизом, покизалик, ободончилик кишини мамнун этади. Маҳалла кўчаларини кезиб, бирор жойда ахлат уюмларига дуч келмайсиз. Ҳар куни эрталаб уй бекалари ҳовли ва хонадонлардан чиққан чиқиндиларни махсус идишларга солиб, шундоққина кўча эшиги олдига чиқариб қўйишади. Маҳаллага бириктирилган ахлат машиналари эса белгиланган муддатларда келиб идишларни тозалаб ахлатларни олиб кетишади. Туманга қарашли «Махсустранс» корхонасининг бу юмушидан аҳоли хурсанд. Таҳририятимизга шаҳримизнинг кўплаб туманларидаги «Автойўлбаза» ишчи-хизматчиларининг ишидан эътироз билдирилган мактублар келиб турган бир пайтда тилга олинган ушбу корхонанинг ибратли иши бизни ҳам қизиқтириб қолди. Шу мақсадда унинг раҳбари Тўхтасин Абдуваҳобов билан суҳбатлашдик.

— Жамоамиз шаҳарда озодаликни таъминлаш ишига жалб этилган. Шунинг учун эрта тонгдан кечгача туман ҳудуди ва унга қарашли маҳаллаларда юриб жойларда йиғилиб қолган чиқиндиларни олиб кетиш билан машғул бўламиз, — дейди бизга Тўхтасин Каримович. — Рақамларга мурожаат қилайлик. Йил мобайнида 38 миллион 103 минг сўмлик иш бажарилди. Ёки корхона 3 миллион 337,3 минг сўмлик фойда кўрди. Бу соҳадаги йиллик режа 139 фоизга бажарилди. Корхонамизнинг салкам 80 нафар ҳайдовчилари, 20 дан зиёд авточилангарлари ҳар куни яхши ният билан озодагарчилик учун курашга отланадилар.

Биласиз, ҳозир шартномасиз иш битмайди. Бу йўналишда бизга туман ҳокимлиги бевосита ёрдам кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Ўтган йили ҳудудимиздаги 150 та корхона ва ташкилотлар билан шартнома тузилган бўлса, бу йил бу рақам 1472 тага етди. Корхона йил сайин йириклашиб бормоқда. Масалан бундан бир неча йил аввал бизда ҳаммаси бўлиб 24 тагина машина бор эди. Сўнгги даврда автоуловларимиз сони ортиб, янгиланиб бормоқда. Ўтган йиллар мобайнида 30 та ахлат ташлайдиган автоулов олдик. Шу кунларда корхона дарвозасидан кунига 54-55 автоулов ободончилик ишлари учун кўчага чиқарилади. Шу ўринда жамоамизнинг фахри бўлган Фасҳиддин Рўзиев, Файзи Расулов, Қурбон Сулаймонов каби ҳайдовчилар, Алексей Калинин, Анатолий Ясин сингари авточилангарлар меҳнатини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Корхонамиз ишчи ва хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор бериб келинади. Ҳар йили улар махсус кийим-бош, шунингдек кир ювиш воситалари билан таъминланадилар. Ўтган йили ижтимоий муҳофаза учун 650 минг сўм маблағ ажратилган эди. Бу рақам бу йил 1,5 баробарга ошган.

Қани энди ҳамма маҳаллаларда шундай тартиб ўрнатилса. Аҳолига хизмат кўрсатадиган «Автойўлбаза»лар мирободликлардан ибрат олишса деган ўй бизни ўйлантириб қўйди.

Беихтиёр куни кеча Қорақамиш даҳасининг Тансиқбоев ҳудудида бўлганимиз ва у ердаги шундоққина катта кўчанинг ўзида ҳосил бўлган бир нечта ахлатхоналар кўз олдимизга келди. Бу ерда яшовчи аҳолининг қай бири билан суҳбатда бўлманг, улар кечалари чивин, кундузлари пашша кўплигидан шикоят қилишади. Ахир ҳар қадамда ахлат уюмига дуч келингач, шундай ҳол юз бериши ҳам табиий-да. Тўғри, ушбу ишга масъул хизматчилар ўз вақтида ахлатхоналарни тозалашга улгуришмаётгандир. Лекин аҳоли-чи? Наҳотки улар кўра-била туриб ўша ахлатхоналарни тартибга келтириш ўрнига унинг тобора катталашаётганига бефарқ қараб тураверишса? Шундай катта даҳанинг турнақатор кўп қаватли уйларида истиқомат қилаётганлар бир-икки соатлик вақтини аямай ҳашар уюштиришса, олам гулистон, ахлатхона барҳам топади. Бироқ афсуски ҳозирча аҳоли тегишли ташкилотларга шикоят қилиш билан банд.

Энди мана бу хатга эътибор беринг. «Қоғоз керакли маҳсулот. Ҳозирги кунда унинг танқислиги ҳаммага аён. Бироқ кўчаларда, ахлатхоналарда (айниқса пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида) қоғоз уюмларини кўриб ваҳмингиз келади. Яқинда қўшнимизнинг никоҳ тўйи муносабати билан ўзимиз яшаётган Ибн Сино мавзесидан то Юнусобод мавзесининг охиригача бориб айланиб келишга тўғри келди. Кўчани кузатиб, ҳар 300—400 метр оралиғида йиғилиб қолган қоғоз уюмларидан иборат ахлатхоналарга дуч келдик. Айниқса, Юнусободдаги кўп қаватли уйлар оралиғидаги дарахтзорлар ўртасида пайдо бўлган чиқиндилар (асосан қоғоз маҳсулотлари) узоқ муддат давомида олиб кетилмаганлиги сезилиб турибди. Биргина Аҳмад Дониш кўчасининг ўзида ўндан ортиқ ахлатхоналарни учратдик. Уларнинг ҳар биридан энг камида бир машинадан қоғозни йиғиб олиш мумкин, деган хулосага бордик».

Мактубни ўқиб туриб беихтиёр ўйланиб қоласан киши. Наҳот мана шу қоғозларни макулатурага топшириш мумкин бўлмаса? Наҳот улардан иккиламчи маҳсулот сифатида фойдаланиш ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаса? Агар шундай қилинганда биринчидан, қоғоз тежалган бўларди, иккинчидан эса кўчадаги ахлат уюмлари камайган бўларди. Ҳар қалай ушбу мактуб муаллифларининг фикр ва мулоҳазалари ўйлаб кўришга арзигудек муаммо.

Озодалик масаласи ҳамиша эътиборда бўлиши билан ажралиб туради. Шундай экан, бу ҳақда узоқ ва истаганча сўз юритиш мумкин. Негаки, шаҳримизда намунали обод кўча ва маҳаллалар ҳам, ахлат уюмларига бисёр йўл ва ҳудудлар ҳам топилади. Лекин биз юқорида баён қилинган икки мисолдан, икки хил манзарадан ҳамшаҳарларимиз ўзларига тегишли хулоса чиқариб оладилар, деган умидда мақолага нуқта қўйдик.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*«Саноаталоқа» акционерлик жамиятида телефон станциялари учун жуда зарур бўлган компрессор сигнал қурилмалари тайёрланади. Жумладан, жорий йилда шундай қурилмалардан 360 донаси тайёрланиб Ўзбекистон ва МДҲдаги бошқа республикалар автомат телефон станцияларига юборилиши мўлжалланган.*

*СУРАТДА: «Саноаталоқа» акционерлик жамияти электр монтажчиси Владимир Павлов ушбу корхонада 34 йилдан бери меҳнат қилади. Қўли гул ишчи меҳнат фаолияти жараёнида чиқитга асло йўл қўймайди.*

*Рашид Галиев олган сурат.*



*Текширув*

# БОЗОРДАГИ ОЛИБСОТАРЛАР

## ЮҚОРИ НАРХ-НАВО САБАБЧИЛАРИ

***Ўлкамизда айни пишиқчилик пайти. Бозорлардаги турли ёз неъматларини кўриб кўзингиз қувонади. Олма, ўрик, гилос, помидор, бодринг, барчасидан бор. Лекин нарх-наво баланд...***

Тўғри сўзнинг тўқмоғи бор, дейишади. Шаҳримизнинг деярли барча бозорларидаги аксарият пештахталарни олибсотарлар эгаллагани сир эмас. Тоғни урса талқон қиладиган бу учарлар деҳқоннинг маҳсулотини кўтарасига арзон баҳода олиб, шу ернинг ўзида 1,5—2 баробар юқори нархда сотмоқдалар. Албатта, бундай ҳолат харидорда норозилик уйғотиши турган гап. Мана шуларнинг олдини олиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ходимлари шаҳримиз бозорлари бўйлаб рейд ўтказдилар. Биз ҳам ушбу тадбирда иштирок этдик.

Қўйлиқ бозорининг ёнгинасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилишга ихтисослашган яна бир деҳқон бозори мавжуд. Бу ерга тонгги соат 4 да етиб борганимизда, бозор сотувчию олувчи билан тирбанд эди. Бозорга кириб чиқаётган юк машиналари, араваларнинг саноғи йўқ. Хуллас, игна ташласангиз ерга тушмайди. Бозор дарвозасидан ичкари томон қадам қўярканмиз, деҳқон ва харидор орасида бўлаётган баҳснинг устидан чиқдик.

— Бодринг неча пулдан?

— 25 сўм, кўпроқ олсангиз келишамиз.

— Ҳаммаси неча килограмм чиқади? — дейди харидор.

— 200 килограмм.

— 20 сўмдан беринг, ҳаммасини оламан.

Бироз тортишувдан сўнг ҳалиги харидор аёл маҳсулотнинг ҳаммасини сотиб олди.

Қашқадарёлик бир фуқаро 4 қути ўрик ва 4 қути гилос олиб чиқиб кетаётганда солиқ идораси ходимлари томонидан тўхтатилди. У ўзини қўлидаги маълумотнома билан оқламоқчи бўлди. Лекин унда на гилос, на ўрик экилганлиги ҳақида тушунтириш бор эди.

Феруза Шодиева Қўйлиқ бозори яқинида, аниқроғи Ҳамза туманининг Табассум кўчасида истиқомат қилади. Бу аёл 11 сўм 70 тийиндан тухум олиб, 13 сўмдан сотаётганда солиқ хизмати ходимлари томонидан ушланди.

Шу куни эрталаб 8 гача 20 нафарга яқин олибсотарлар ушланиб, уларга турли миқдорда жарималар солинди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад шуки, — дейди республика Давлат солиқ қўмитасининг савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарини назорат қилиш бошқармаси бош нозири Абдуқаҳҳор Абдураҳмонов, — кўп бозорларда айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нархи юқори бўлиб турибди. Сабаби нимада? Бугунги, кечаги ўтказилган тадбирлар шуни кўрсатдики, Қўйлиқ бозорида жуда кўп фуқаролар олиб сотарлик билан шуғулланмоқдалар. Яъни, улар деҳқонлардан маҳсулотни катта миқдорда, арзон баҳода сотиб олиб шаҳримиздаги бошқа бозорларда устама нарх қўйиб, сотмоқдалар. Натижада тўкинчилик пайти бўлишига қарамасдан мева-сабзавотларнинг нархи ҳамон юқори бўлиб турибди. Бугунги амалга оширган тадбиримиздан шу хусусда мисоллар ҳам келтиришимиз мумкин.

Фурқат Мамараҳимов Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги Собир Раҳимов кўчаси, 3-уйда истиқомат қилади. Бу фуқаро Қўйлиқ бозоридан 260 килограмм ўрикни 28 сўмдан олганлиги ва ўтказилган суҳбат давомида ушбу маҳсулотни Кўктерак бозорида сотмоқчи бўлганлиги аниқланди. Яна бир фуқаро — Владик Алиматов Чирчиқ шаҳридан келган. Бу киши ҳам 200 килограмм ўрикни 30 сўмдан, 50 килограмм гилосни 60 сўмдан олиб, Чирчиқ шаҳрида сотмоқчи бўлганини аниқладик.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Мақсадимиз, деҳқон бозорларида нарх-навонинг ошиб кетишининг олдини олиш. Шунинг учун ҳам мана шундай рейдларни ўтказмоқдамиз.

Бу тадбирлар нафақат Қўйлиқ бозорида, балки шаҳримизнинг барча бозорларида ҳам ўтказилмоқда. Унга кўплаб солиқ назорати ходимлари жалб қилинган. Ўйлаймизки, ушбу тадбирлар ўз натижасини беради.

*Султонмурод УМАРОВ.*

*Сана*

# БОЛАЛАР ТЕМИР ЙЎЛИ — ЭЛЛИК ЁШДА

***Бундан ярим аср муқаддам пойтахтимизнинг Бешёғоч кўли ихтиёрида болалар темир йўли станцияси бунёд этилган эди. Шу мовий кўл ёқалаб ўтказилган пўлат изларда қатнай бошлаган станция поездида неча минглаб болакайлар сайр қилмади дейсиз!***

Бу ерда темирйўлчи бўлиш орзусида бўлган ўғил-қизларни кўплаб учратамиз. Станцияда махсус ташкил қилинган ўқув хоналари машғулотларига фаол қатнашаётган болалар орасидан станция машинисти, йўл бошловчиси ва навбатчилар ҳам етишиб чиқмоқда.

— Бизда ёш темирйўлчиларни тайёрлаш учун алоҳида хона ва синфлар ташкил этилган, — дейди станция ҳаракат таркиби ходими Ольга Васильева. — Уюштирилаётган машғулотлар кўргазмали техник воситалар ёрдамида ўтказилмоқда. Ўтган давр ичида 300 дан ортиқ ёш машинист тайёрланди.

Эндиликда Ўзбекистон Миллий боғининг ушбу кўлидаги шаҳар болалар темир йўли станцияси очилганига эллик йил бўлди.

Юбилей муносабати билан бу ерда «Шонли йўл» деган стенд ташкил этилмоқда. Унда шаҳар болалар темир йўли станциясининг босиб ўтган йўли ҳақида маълумот берувчи материаллар билан яқиндан танишиш мумкин.

Шу санани нишонлаш мақсадида «Болалар темир йўлига — эллик йил» деган махсус кўкрак нишони ҳам таъсис қилинди.

*Саодат ОДИЛОВА.*

